

**“Hududiy elektr tarmoqlari” AJ**  
**ягона акциядорининг 4-сонли**  
**Қ А Р О Р И**

2020 йил «29» июль

Тошкент шаҳри

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қуйидаги масалалар юзасидан қабул қилинди:

**“Ўзбекэнерго” АЖнинг ҳуқуқий ворисларига ўтказилмаган қўшимча аниқланган ҳуқуқлари ва мажбуриятларини тақсимлаш тўғрисида.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПК-4249-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида, “Ўзбекэнерго” АЖ ягона акциядорнинг 2020 йил 20 апрелдаги қарори билан “Ўзбекэнерго” АЖнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳуқуқий ворислар, яъни “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ, “Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ ва “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖлар ўртасида тақсимланган ҳамда “Ўзбекэнерго” АЖнинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилган.

Шу билан бирга, “Ўзбекэнерго” АЖни тугатиш жараёнида тугатиш комиссияси томонидан “Ўзбекэнерго” АЖнинг ҳуқуқий ворисларига ўтказилмаган қўшимча равишда 137,1 млрд.сўмлик ҳуқуқлари ва 39,1 млрд.сўмлик мажбуриятлари аниқланган.

“Ўзбекэнерго” АЖ тугатиш комиссияси 2020 йил 6 июлда 68-сонли хат билан тугатилаётган “Ўзбекэнерго” АЖнинг қўшимча аниқланган 137,1 млрд.сўмлик ҳуқуқлари ва 39,1 млрд.сўмлик мажбуриятларини “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖ, “Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ ва “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖлар ўртасида қуйидагича тақсимлаш бўйича ягона акциядор қарорлари қабул қилинишида амалий ёрдам сўраган.

1. “O‘zbekiston milliy elektr tarmoqlari” АЖга 127,8 млрд.сўмлик ҳуқуқлар ва 38,8 млрд.сўмлик мажбуриятлар;

2. “Issiqlik elektr stansiyalari” АЖга 3,2 млрд.сўмлик ҳуқуқлари ва 0,16 млрд.сўмлик мажбуриятлар;

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга 6,2 млрд.сўмлик ҳуқуқлар ва 0,21 млрд.сўмлик мажбуриятлар.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 95-моддасига мувофиқ, жамият бўлинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига мувофиқ ташкил этилаётган икки ёки бир нечта юридик шахсга ўтиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18-июндаги 302-сонли Фармойишига асосан ҳудудий электр тармоқлари корхоналарининг устав капиталидаги “Ўзбекэнерго” АЖ улушига ҳисобланган дивидендлар бўйича тан олинган қарздорликларни белгиланган тартибда ундириш ҳуқуқини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга бериш белгиланган.


Юқоридагиларни инобатга олиб, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунинг 58-моддасига асосан кун тартибидаги масала юзасидан **қарор қилинди:**

1. "Ўзбекэнерго" АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 29 июндаги йиғилиш баёнига асосан тақсимланган 6.2 млрд.сўмлик ҳуқуқлар ва 0.21 млрд.сўмлик мажбуриятлар белгиланган тартибда "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖга қабул қилиб олинсин.

2. "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖга қабул қилиб олинadиган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ўртасидаги ижобий фарқ ҳисобига "Hududiy elektr tarmoqlari" АЖнинг устав капиталидаги давлат улуши оширилиши белгилаб қўйилсин ва тегишли ҳужжатларни қисқа муддатларда расмийлаштириш ишлари амалга оширилсин.

3. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш вазифаси жамият бошқарув раиси У.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

Давлат активларини  
бошқариш агентлиги директори

  
С.Х. Бекенов